

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

*Умарова Зухра Абдурахмановна
“Бошланғич таълим” кафедраси ўқитувчиси
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

Аннотация: мақолада бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш методологияси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, тарбия, жараён, кучайтириш, зарурият, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, билим, кўникма, малака.

HUMANIZATION AND DEMOCRACY OF THE PROCESS OF EDUCATION IN PRIMARY EDUCATION

*Umarova Zuhra Abdurahmanovna,
Teacher of the department "Primary Education"
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

Abstract: The article analyzes the methodology of democratization and humanization of the upbringing process in primary education.

Key words: education, primary, upbringing, process, consolidation, demand, humanization, democratization, knowledge, skills, ability.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини кучайтириш зарурияти. Янги Ўзбекистон шароитида бошланғич таълимда тарбия жараёнини турли ёндашувлар, ғоялар ва концепциялар асосида кучайтириш вазифаси қўйилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6

ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида қуйидаги янги вазифалар белгиланган:

- бошланғич таълимда тарбия жараёнини модернизация қилиб бориш;
- бошланғич синф ўқувчиларини юксак фазилатлар эгалари қилиб вояга етказиш;
- бошланғич синф ўқувчилари туғма қобилиятларини ривожлантириш;
- бошланғич синф ўқувчиларида намунали шахсий сифатларни шакллантириш [1].

Бу вазифалар ижроси жараёнида бошланғич таълимда тарбия жараёнини кучайтиришга эришилади. Бунинг тарбия жараёнини *бир неча даражаларга* бўлиб ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Педагогик тажрибаларда қуйидаги тарбия даражалари амалий синовдан ўтган:

1. *Ижтимоий даража.* Унга кўра, бошланғич таълимда тарбия жараёни жамиятимизнинг ижтимоий талаблари асосида амалга оширилиши керак. Бунинг натижасида тарбия жараёнини кутилган даражада кучайтириш имкониятларига эга бўлинади.

2. *Институционал даража.* Мазкур тарбия даражасига кўра, тарбия жараёни оила, маҳалла ва таълим тизими воситасида ташкилий амалга оширилиши керак. Бу воситалардан ташқари, бизнинг жамиятимизда катталар ибрати, аждодлар намунаси ва маданият тараққиёти каби нотузилмавий тизимлар ҳам мавжуд. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчилари тарбия жараёнини кучайтиришда бундай тизимларга асосланиш муҳим ҳисобланади.

3. *Ижтимоий-психологик даража.* Тарбия жараёнининг бу даражасига кўра, бошланғич синф ўқувчилари тарбияси ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик вакиллари ва мактаб жамоаси ёрдами асосида ташкил этилиши керак. Бунинг натижасида бошланғич синф ўқувчилари

тарбия жараёнини ижтимоий-психологик жиҳатдан кучайтириш имкониятларига эга бўлинади.

4. *Шахслараро даража.* Тарбия жараёнини ташкил этишнинг бу даражасига кўра, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кучли ҳамкорлик ҳамда боғланиш бўлиши керак, бунда ўқитувчи ва ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига дахл қилинмайди. Мазкур шахслараро даража бошланғич синф ўқувчилари тарбия жараёнини режали кучайтириш имконини беради [2].

Зеро, бошланғич таълимда тарбия жараёнини кучайтириш учун ана шундай ёндашувларга асосланиш кутилган самарани беради.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириши. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририда (2020 йил 23 сентябрь) мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги асосий принципларидан бири сифатида “*таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги*” белгилаб қўйилган (4-модда). Педагог олимларнинг фикрича, инсонпарварлик – бу инсоннинг қадри, эркинлиги, бахти, тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги ва инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш ғамхўрлигидир.

Эътибор берилса, лотинчада *гуманизм* тушунчаси билан ифодаланувчи инсонпарварлик принципи бошланғич таълимда тарбия жараёнининг қуйидаги вазифаларини белгилайди:

- а) ўқувчиларни қадрлаш;
- б) ўқувчиларнинг эркинлигини таъминлаш;
- в) ўқувчиларнинг ҳуқуқларини тенг рўёбга чиқариш;
- г) ўқувчиларни бахтли бўлишга йўналтириш;
- д) ўқувчиларда инсонийлик фазилатларини шакллантириш.

Мазкур принципнинг ушбу маъно - мазмуни бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш *асосларини* ифодалайди. Бу асослар қуйидагилардан иборат:

- тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини кадрлаш ва эркинликка ўргатиш;

- тарбия жараёнида ўқувчиларда ўз шахсий ҳуқуқларини ўзгалар ҳуқуқларига уйғунлаштиришга кўниктириш;

- ўқувчиларда инсонийлик фазилатларини шакллантириш билан уларни бахтли бўлишга йўналтириш [3].

Диққат қилинса, бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ўқувчи шахсини илк режага қўйишга асосланади. Бу борада бошланғич таълим педагогикаси тарихида муҳим қарашлар мавжуд. Мисол учун, қадимги мутафаккирлардан *Демокрит* шундай дейди: “Яхши одам бўлиш учун машқларга ва инсон табиатига эътибор бериш керак, шу жиҳатдан тарбия инсонни қайта пайдо қилади”. Демокрит ҳар бир ўқувчининг яхши инсон бўлишини алоҳида таъкидлайди ва бу вазифани тарбия амалга оширади. *Аристотель* эса дейди: “Тарбиячилар ота-оналарга нисбатан кўпроқ ҳурматга сазовор, чунки ота-оналар болага ҳаёт бахшида қилган ва тарбиячилар эса болага муносиб ҳаёт бахшида қилади”. Демак, тарбиячилар энг идеал даражадаги инсонийлик фазилатларига эга бўлиши керак ва шундагина бошланғич таълимда тарбия жараёнини кутилган даражада инсонпарварлаштиришга эришиш мумкин бўлади. Шунингдек, Ғарб мутафаккирларидан *Сенека* дейди: “Қўйинг, ўқувчи ўз билганини гапирсин ва унинг хотираси гапирмасин”. Бу фикрнинг маъноси шуки, ўқувчи билганини гапирганида мустақил фикрлайди ва у муайян даражада хотирасига суяниб гапирса ўқитувчидан ўрганганини сўзлайди.

Бизнинг миллий педагогикамизда бошланғич таълимни инсонпарварлаштириш ғояларини амалиётга биринчи бўлиб Абу Али Ибн Сино татбиқ этган. У “Шифо” асарида “инсонийликдан холи одамнинг тарбия иши билан шуғулланишига ҳаққи йўқ” дейди. Ўтган асрнинг биринчи ярмида Ибн Синонинг мазкур инсонпарварлик ғояси жадид

маърифатпарварлари томонидан бошланғич таълимга қатъий татбиқ этилди. Мисол учун, улар томонидан ўғил болалар ва қизларнинг бир синфда ўқишини жорий этилиши таълимдаги инсонпарварликнинг аниқ кўринишидир.

XX асрнинг 50-60-йилларида Америка Қўшма Штатларида “Инсонпарварлик педагогикаси” йўналиши пайдо бўлди. Бу йўналишнинг асосий вазифаси таълим тизимига эркин ва баркамол инсон шахсини шакллантириш ғоясини татбиқ этиш бўлган. Шу тариқа ҳозирги замон бошланғич таълимида тарбия жараёнининг инсонпарварлаштириш ғояси ўқувчи шахсини эркин ва баркамол вояга етказишга асосланади.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштириши. Лотинча “демократия” сўзи халқчиллик, ошкоралик ва тенглик маъноларини англатади. XX асрдан бошлаб таълимда ана шу маъноларни ифодаловчи демократизм тушунчаси ва ғояси кенг қўлланилиб келинмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонунимизда ҳам таълим соҳасидаги асосий принциплардан бири сифатида *“таълим ва тарбиянинг демократик хусусиятга эга”* лиги белгилаб қўйилган (4-модда). Мазкур принцип бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштириб бориш вазифасини қўяди. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) бошланғич таълимда тарбия жараёнининг халқчилликка асосланиши;

б) бошланғич таълимда тарбия жараёнининг ошкораликка таяниши;

в) бошланғич таълимда тарбия жараёнининг тенглик ғоясига мос бўлиши.

Айнан мана шу халқчиллик, ошкоралик ва тенглик ғоялари бошланғич таълимда тарбия жараёнини мудом демократлаштириб боришга асос бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки, бошланғич синф ўқувчиларининг тарбияси оддий, осон ва ошкора амалга оширилиши

керак. Бу ҳолни бир сўз билан тарбия жараёнини табиийлик асосида ташкил этиш деб аташ мумкин.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштириб бориш тарбиянинг *демократик усулига* асосланади. Унга кўра, тарбия жараёнида демократик усул тарбиячи ва тарбияланувчининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига асосланади. Бунда ўқувчининг фикри, қизиқишлари ва имкониятлари билан ҳисоблашилади, ўқитувчи ўзининг фикри ва қарашларини ўқувчига мажбуран сингдиришдан тийилади. Тарбия жараёнининг демократик усули ошкоралиги ва очиқлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи ёки мураббий тарбияланувчига илтимос, тавсия, маслаҳат бериш ва йўналтириш билан чекланади.

Айни пайтда, тарбия жараёнининг демократик усулида мураккабликлар мавжуд бўлиб, улар асосан бошланғич синф ўқувчилари шахсига мос бўлган эркалик, инжиқлик ва тўғри тушунмаслик оқибатларида салбий ҳолатлар келиб чиқади. Бундай вазиятда ўқитувчи ёки мураббий демократик ғояга мос равишда сабр-тоқатлик ва бағрикенглик тамойилларига амал қилиши керак. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштириш шароитида ўқитувчилар зиммасига асосий вазифани юклайди. Мазкур мураккабликларни ҳисобга олиб 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб ўқитувчиларнинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан самарадорлик нуктаи назаридан маош тўлаш жорий этилди. Мазкур иқтисодий омил бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштиришнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштириш икки вариантда амалга оширилади:

Биринчи вариант - “Тенглар ичида тенг” тамойилига асосланади. Бунда ўқитувчининг ва ўқувчининг қизиқишлари, манфаатлари ва мажбуриятлари ҳамкорлик асосида амалга оширилади.

Иккинчи вариант – “Тенглар ичида биринчи” тамойилига таянади. Бунда ўқитувчи демократик кадриятларга мос ривожланаётган ва ўз имкониятларини намоён этаётган илғор ўқувчиларни рағбатлантиради.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини демократлаштиришда ана шу икки вариантдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги замон “Бошланғич таълим педагогикаси”да тарбия жараёнини демократлаштиришда педагогик жазоларнинг қўлланиши баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Унга кўра, тарбиянинг демократик усули педагогик жазони хуш кўрмайди, айти пайтда, тарбиянинг самарадорлиги учун педагогик жазонинг аҳамияти ҳам мавжуд. Шу сабабли бизнинг ёндашувимизга кўра, тарбия жараёнининг демократик усулида ўқитувчи қатъиятлик тамойилига амал қилиш шарт.

Шундай қилиб бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш ўқувчи шахсига йўналтирилган концепциялардир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // www.ziyonet.uz
2. Бордовкая Н., Реан А. Педагогика. – СПб., 2001.
3. Умарова З.А. Бошланғич синф ўқувчиларида педагогик конфликтларни бартараф этиш. – Т.,2021.
4. Narimbetova, Z. A. (2020). Matematika fanida ta'lim texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilar tafakkurining rivojlantiruvchi omil. Academic research in educational sciences, 1(3), 1253-1261.

5. Narimbetova, Z., Makhmudova, D. (2020). Developing creative competence through the formation of scientific generalization in students. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* ISSN, 1475-7192.

6. Наримбетова, З. А. (2020). Изучение Элементов Фрактальной Геометрии Как Средства Интеграции Знаний По Математике И Информатике В Образовательный Процесс Учащихся Средней Школы. *International Journal of Scientific & Technology Research*, 9(4), 677-682

7. Narimbetova, Z. A. The Study of the Elements Of Fractal Geometry As A Means Of Integrating Knowledge In Mathematics And Computer Science In The Educational Process Of A Secondary School Students. *International journal of scientific & technology research*, 9(4), 677-682.